

Ички бозорда **гуруч** етиштирилиши ва реализацияси бўйича **ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТ**

Рақобат қўмитаси томонидан ички бозорда **гуруч** маҳсулотини етиштирилиши ва уни якуний истеъмолчига сотишгача бўлган жараёнлари таҳлил қилинди.

I. Ички бозордаги талаб ва реализация ҳолати

2026 йил март ойида мамлакатимизда ойлик инфляция даражаси **0,6 фоиз**гача, йиллик ҳисобда **7,1 фоиз**гача секинлашгани кузатилди. Бунда, гуруч нархлари март ойида **0,4 фоиз**га, йиллик ҳисобда эса **12,3 фоиз**га пасайган.

Республиканинг деҳқон бозорларида ташкил этилган арзонлаштирилган савдо ярмаркаларида гуруч (*лазер*) маҳсулотининг чакана нархи 1 кг учун **14 – 15 минг сўм**ни ташкил этмоқда. **Чакана савдо тармоқлари**да (*Корзинка, Макро, Ҳавас ва Барака*) эса 1 кг гуруч навига қараб **7-16 минг сўм** оралиғида сотилмоқда. Жумладан, **лазер – 16 минг сўм**, аланга – **14 минг сўм**, авангард – **10 минг сўм**, сечка – **7 минг сўм**ни ташкил этади.

Мамлакатимиз аҳолисининг гуруч маҳсулотига бўлган **йиллик эҳтиёжи 368 минг тонна**ни ташкил этади.

ФАО маълумотлари асосида *World Population Review* ахборот ресурсининг ҳисоб-китобларига кўра, Ўзбекистон аҳолисининг йиллик гуруч истеъмоли **меъёри жон бошига 9,8 кг**ни ташкил этади. Солиштириш учун, ушбу кўрсаткич **Россияда 8,4 кг**, **Қозоғистонда 9,2 кг**, **Туркменистонда 13,4 кг** ва **Қирғизистонда 7,9 кг**га тўғри келади.

Миллий статистика қўмитасининг мавжуд маълумотларига кўра, мамлакатимизда етиштирилган шолининг **39 фоизи** – Хоразм, **13 фоизи** – Сирдарё, **12,9 фоизи** – Фарғона, **10,7 фоизи** – Андижон, **24 фоизи** эса бошқа 10 та ҳудудлар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 декабрдаги 303-сонли қарори талаблари асосида гуручнинг маҳаллий маҳсулотлар билан **тўйинганлик даражаси** 2025 йилда **100 фоиз**ни ташкил этган.

Маълумот учун: товар бозори ҳажмида мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товарлар улуши **80 фоиз**дан кўп бўлганда бозор товар билан тўйинган ҳисобланади ва мазкур улуш **ушбу кўрсаткичдан кам бўлганда товар билан тўйинмаган ҳисобланади**.

Бу эса ўз навбатида, Республикада гуруч маҳсулоти етиштирилиши ва ишлаб чиқарилиши мавжуд талабга муносиб эканлигини ва талабни қондирилаётганлигини кўрсатмоқда.

II. Импорт, экспорт ҳолати ва глобал нарх

Импорт

2025 йилда мамлакатимизга жами қиймати **4 млн АҚШ доллари**га тенг бўлган **8,9 минг тн** гуруч маҳсулоти **ўртача 450 доллар/тн** нархда 12 та мамлакатдан импорт қилинган.

*Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида қиймати **410 минг АҚШ доллари**га тенг бўлган **1,1 минг тн** гуруч импорт қилинган.*

Импорт қилинган гуручнинг **67 фоизи** – Қозоғистон, **16 фоизи** – Ҳиндистон, **10 фоизи** – Қирғизистон, **7 фоизи** эса бошқа 9 та давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

*Қозоғистондан амалга оширилган импорт таркибида **22 фоиз** – шоли, **27 фоиз** – майда гуруч ва **51 фоизи** бошқа турдаги истеъмол учун тайёр гуруч навларига тўғри келади. Ўзбекистондан Қозоғистонга эса асосан истеъмол учун тайёр бўлган гуруч маҳсулотлари экспорт қилинган.*

Импорт бозорининг концентрация даражаси ўрганилганда **энг йирик 5 та** импорт қилувчи корхоналар ҳиссасига жами импортнинг **50 фоизи** тўғри келмоқда, бунда жами импорт қилувчи корхоналар сони **63 тани** ташкил этган.

*Бунда, “Хонқа Express Export” МЧЖ – **1,4 минг тн** ёки **16 фоиз**, “Wemer Gold” МЧЖ – **1,02 минг тн** ёки **11 фоиз**, “Хумо Брок” МЧЖ – **833 тн**, “Khonqa Rice” МЧЖ – **613 тн** ва “Bayce Trade” МЧЖ – **556 тн**ни ташкил этади.*

Экспорт

2025 йилда республикада **458 минг тн** гуруч етиштирилган бўлиб, шундан **2,4 фоизи** ёки **11,1 минг тоннаси** (жами қиймати **4,3 млн долларлик**) **ўртача 389 доллар/тн** нархда 9 та мамлакатга экспорт қилинган.

*Жорий йилнинг январь-март ойлари давомида жами қиймати **165 минг доллар**га тенг бўлган **164 тн** гуруч Қозоғистонга экспорт қилинган. Солиштириш учун, 2025 йилнинг мос даврида **853 минг доллар**га тенг бўлган **2,8 минг тн** гуруч экспорт қилинган.*

Экспорт қилинган гуручнинг **62 фоизи** – Қозоғистон, **19 фоизи** – Қирғизистон, **14 фоизи** – Тожикистон, **5 фоизи** эса бошқа 6 та давлатлар ҳиссасига тўғри келмоқда.

Глобал нарх

Numbeo халқаро сервиси маълумотлари асосида жаҳон бозорида гуруч (1 кг)нинг ўртача чакана нархлари ўрганилганда, бугунги кунда энг арзон нархлар **Бангладеш – 0,6 долл**, **Миср – 0,64 долл**, **Ҳиндистон – 0,97 долл** каби давлатларда кузатилмоқда.

Гуруч энг қиммат бўлган давлатлар Япония (4,8 долл), АҚШ (4,6 долл), Канада (3,6 долл), Германия (3,5 долл) ва Норвегия (3,49 долл) ҳисобланади.

Ўзбекистонда 1 кг гуручнинг чакана нархи **1,72 доллни** ташкил этган бўлса, **Қозоғистонда- 1,49 долл**, **Россия эса 1,45 долл** даражасида шаклланган.

III. Эконометрик таҳлиллар

Таҳлилларда Миллий статистика қўмитасининг 2021 йил январь ва 2026 йил февраль оралиғидаги ўртача **гуруч нархи динамикаси** маълумотларидан фойдаланган ҳолда гуручнинг келгуси 3 ойдаги нархлари прогноз қилинди.

Миллий статистика қўмитасининг маълумотларига кўра, 2026 йилнинг февраль ойида **1 кг** гуручнинг ўртача чакана нархи **15,6 минг сўм**ни ташкил этган.

Эконометрик таҳлилларга кўра, **ички ва ташқи шоклар бўлмаган ҳолда** гуруч нархларида **юқори ўсиш тенденцияси мавжуд эмас**. Хусусан, жорий йилнинг апрель-июнь ойларида 1 кг гуручнинг чакана нархи **15,3 минг сўм** (минимум 14 минг сўм, максимум 16,5 минг сўм) атрофида шаклланиши мумкин.

ARIMA** модели прогнозлари ташқи ва ички шоклар мавжуд эмаслиги шарти асосида шакллантирилган. Агар прогноз даври давомида **ички ва ташқи шоклар юз берса, бозордаги талаб ва таклиф мувозанати ўзгариши мумкин, бу эса модель натижаларининг амалдаги динамикадан фарқ қилиш эҳтимолини оширади.

Шунингдек, **Pooled OLS, Entity Fixed Effects ва Two-way Fixed Effects** каби эконометрик моделлар орқали таҳлиллар ўтказилганда **гуруч импортининг чакана нархларга тўғридан-тўғри (direct effect) таъсири паст** эканлиги аниқланди.

IV. Гуручни етиштириш таннархига таъсир қилувчи омиллар

Жорий йилнинг январь-март ойларида **техник олтингургурт** маҳсулотининг биржа савдоларида бошланғич нархлар маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга қараб **580 – 1730 фоизгача** кескин оширилиши кузатилди.

Натижада, биржа савдоларида техник олтингургуртнинг ўртача сотилиш нархлари 2025 йилнинг мос даврига нисбатан **360 фоизга** ошиб, 1 тоннаси учун **2 502 минг сўм**ни ташкил этган.

Масалан, техник олтингургурт сульфат кислотаси таннархининг 67 фоизини, сульфат кислотаси сульфат аммоний минерал ўғити таннархининг 24 фоизини ташкил этишини инобатга оладиган бўлсак, техник олтингургурт маҳсулоти нархларининг 360 фоизга ошиши сульфат аммоний таннархининг 22 фоизга ошишига олиб келиши мумкин.

Техник олтингургурт сульфат аммоний ва аммофос минерал ўғитларини ишлаб чиқарилишида ишлатиладиган сульфат кислотаси таннархининг **67 фоизини ташкил этади.**

Шоли етиштирувчи айрим фермерларнинг ҳисоб – китобларига кўра, шоли етиштириш харажатларининг **12 фоизи** минерал ўғитлар ҳиссасига тўғри келади. Хусусан, 1 тн шоли етиштириш учун сарфланадиган минерал ўғитлар таркиби (қиймат жиҳатдан)да сульфат аммоний – **17 фоиз**, карбамид – **19 фоиз**, аммофос – **40 фоиз**, бошқа ўғитлар эса **24 фоизни** ташкил этади (ҳисоб-китоблар ўртача кўрсаткичларга асосланган бўлиб, тупроқ-иқлим шароити ва қўлланилаётган агротехнологияга қараб фарқ қилиши мумкин).

Ушбунни инобатга олганда, олтингургурт нархининг **360 фоизга** ошиши гуруч таннархини **6-8 фоизга** ошишига олиб келиши мумкин.

Бугунги кунда Рақобат қўмитаси томонидан қўлланилган чоралар натижасида техник олтингургуртнинг биржа савдоларидаги нархи “пик” кўрсаткичга нисбатан 52 фоизга пасайиши таъминланди.

V. Минерал ўғитлар бўйича вазият

Карбамид ва аммофос:

2024 йилда 3 та корхона томонидан **515 минг тн** карбамид ишлаб чиқарилган бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар билан тўйинганлик даражаси **259 фоизни** ташкил этади.

Биржа савдоларига 2025 йилда 432 минг тн карбамид қўйилиб, 414 минг тоннаси (ёки 96 фоизи) ўртача 1 тоннаси 3,8 млн сўмдан (бошланғич нархга нисбатан ўсиш 7 фоиз) сотилган.

2025 йилда қиймати **702 минг долларга** тенг бўлган **750 тн** карбамид маҳсулоти импорт қилинган. Импорт қилинган карбамиднинг асосий қисми Россия (58 фоиз) ва Беларусь (27 фоиз) ҳиссасига тўғри келади.

Қолаверса, 2025 йилда қиймати **192 млн долларлик** карбамид 37 та давлатга **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган карбамиднинг қиймат жиҳатдан **23 фоизи** – Афғонистон, **19 фоизи** – Греция, **15 фоизи** – Туркия, **43 фоизи** эса бошқа 34 та давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Шунингдек, Биржа савдоларига 2025 йилда **286 минг тн аммофос** қўйилиб, **227 минг тоннаси** (ёки **79 фоизи**) ўртача 1 тоннаси **7 463 минг сўмдан** (бошланғич нархга нисбатан деярли ўзгаришсиз) сотилган.

*2025 йилда қиймати **3 млн долларга** тенг бўлган **3,2 минг тн** (биржа савдоларига қўйилган ҳажмларга нисбатан 1,1 фоиз) **аммофос** 6 та давлатдан импорт қилинган. Импорт қилинган аммофоснинг **61 фоизи** – Россия, **31 фоизи** – Қозоғистон, **8 фоизи** эса бошқа 4 та давлатлар ҳиссасига тўғри келади.*

Сульфат аммоний:

2024 йилда 2 та корхона томонидан **48 минг тн сульфат аммоний** ишлаб чиқарилган бўлиб, маҳаллий маҳсулотлар билан **тўйинганлик даражаси 103 фоизни** ташкил этади. Шунингдек, 2025 йилда 10 тн сульфат аммоний **импорт** қилинган.

*Биржа савдоларига 2025 йилда **376 минг тн** сульфат аммоний қўйилиб, **244 минг тоннаси** (ёки **65 фоизи**) ўртача 1 тоннаси **2,3 млн сўмдан** (бошланғич нархга нисбатан 4 фоизга ошган) сотилган.*

Шу билан бирга, 2025 йилда қиймати **2,2 млн долларига** тенг бўлган **12,7 минг тн** сульфат аммоний 8 та давлатга **экспорт** қилинган. Экспорт қилинган сульфат аммонийнинг **55 фоизи** – Қозоғистон, **29 фоизи** – Туркия, **10 фоизи** – Қирғизистон, **6 фоизи** эса бошқа 9 та давлатлар ҳиссасига тўғри келади.

Форс кўрфазида юзага келган зиддиятлар фонида **Ҳормуз бўғозида** ҳаракатланишнинг чекланиши минерал ўғитлар таъминоти ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари занжирига салбий таъсир кўрсатмоқда.

*Жорий йилнинг февраль ойида Ҳормуз бўғози орқали бир кунда ўртача **129 та кема** ҳаракатланган бўлса, март ойида ушбу кўрсаткич **95 фоизга** камайиб, фақатгина **6 тани** ташкил этган.*

Глобал минерал ўғит савдосининг **30 фоизи** Ҳормуз бўғози орқали амалга оширилади. ФАО кутилмаларига кўра, халқаро миқёсда мувофиқлаштирилган захиралар мавжуд эмаслиги сабабли 2026 йилнинг биринчи ярмида минерал ўғит нархлари **15 – 20 фоизга** ошиши мумкин.

Рақобат қўмитаси